



ОРОЛ ДЕНГИЗНИНГ ҚУРИШ САБАБЛАРИ, ЕКОЛОГИК ҲОЛАТИ ВА МУАММОЛАРИНИ БАРТАРАФ ЕТИШ УСУЛЛАРИ

Ўринбойев Ислонжон Юнусали ўғли

ЎзМУ Экология факултети таянч доктаранти (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7491091>

ARTICLE INFO

Received: 19th December 2022

Accepted: 28th December 2022

Online: 29th December 2022

KEY WORDS

Орол денгизи, кўл, Мўйноқ, қуриган туби, Қозоғистон, Амударё, Сирдарё, яшил қопламалар.

ABSTRACT

Орол денгизи 1960-йилларга қадар дунёдаги энг йирик кўллар қаторида 4-ўринни егаллаб турган. Лекин турли сабаблар, сувдан нотўғри фойдаланиш ва бошқалар сабабли Орол денгизининг сатҳи кескин қисқариб бродан. Бунинг натижасида Оролбўйи ҳудудида яшовчи аҳолининг ижтимоий ҳолатига катта салбий таъсир кўрсатди. Хозирги кунда Орол ҳудуди майдонининг ката қисми қуриб, чўл ҳолатига келиб қолган. Натижада қум ва чанг бўронлари кузатилмоқда ва инсонлар саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Муаммони бартараф етиш ва инсонлар ижтимоий муҳитини яхшилаш мақсадида нафақат республика миқёсида балки бутун дунё миқёсида муаммони бартараф етиш бўйича кўплаб самарали ишлар олиб борилмоқда. Буни Президентимизнинг БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқларида ҳам кўриш мумкин.

Айрим олимлар томонидан Орол бўйи ҳудуднинг бугунги кунда рўй бераётган оғир экологик вазиятнинг кескинлашуви тўғрисида илмий тадқиқот олиб борилгандаги натижалар шуни кўрсатадики орол денгизининг деградация ва саҳроланиш жараёнлари ва заҳарли тузлар, суғориладиган ер майдонларига салбий таъсир кўрсатганлигини аниқлаган[5].

Орол денгизи сувининг кескин камайиши натижасида Оролбўйи ҳудудининг геологик ва метеорологик ўрганиш ишлари, шунингдек Амударё ҳамда Сирдарё сув ҳавзаларида кузатилган гидрографик ва гидрологик

текшириш ишлари, дарёлардан қуйилаётган сув ҳажмининг камайиш сабаблари ва метеорология станцияларда кузатилган кўп йиллик маълумотлар таҳлил қилинган [3].

Хозирги даврга келиб кўплаб глобал экологик муаммолар юзага чиқмоқда, улар инсониятнинг кейинги таъдирига жиддий таҳдид солмоқда. Экологик таҳдид деганда инсон ҳаёти учун зарурий бўлган табиий шароитнинг бузилишини тушиниш керак. Марказий Осиёда экологик муаммо деганда, энг аввало, Орол денгизи муаммоси тушунилади. Орол денгизининг қуриши Ўзбекистон ва дунё ҳамжамияти диққат



марказида турган муаммолардан бири ҳисобланиб муаммони бартараф этиш мақсадида глобал экологик ҳаракатлар олиб борилмоқда. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда сув ресурслари ва улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг муҳим омиллардан бири бўлиб қаралмоқда [2].

2022-йил январь-июнь ойлари учун Мўйноқ тумани иқлим шароитларини Ўзбекистон гидрометрология маркази маълумотлари асосида қўйидагича тавсифлаш мумкин. Ўзбекистон гидрометрология маркази маълумотлари кўрсаткичлари

(2022 йил январь-июнь ойлари).

Ой	Ўртача ойлик ёғин миқдори, мм	Ҳавонинг ўртача ойлик ҳарорати, C ⁰	Ҳавонинг нисбий намлиги, %	Тупроқнинг ўртача ойлик ҳарорати, C ⁰
Январь	0.06	-3.03	91	-3.42
Февраль	0.11	1.92	76.3	1.3
Март	0.47	3.41	64.2	2.9
Апрель	0.11	18.3	38.1	19.4
Май	0.84	21.25	41.5	22.7
Июнь	0.0	29.05	21.4	33.1

“Минтақамизда, бутун дунёда экологик вазиятнинг тобора ёмонлашиб бораётгани бизни жиддий ташвишга солади.

Қўшни давлатлар ва жаҳон жамоатчилиги билан биргаликда Орол денгизи ҳалокати оқибатида юзага келган экологик фожиалар таъсирини юмшатишга қаратилган ҳаракатларни қатъий давом эттирамиз.

Денгизнинг қуриган тубида юз минглаб гектар ўрмон ва бутазорлар ташкил этилаётгани, Оролбўйи ҳудудларида амалга оширилаётган улкан қурилиш ва ободончилик ишлари халқимизни юксак марралар сари руҳлантирмоқда. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда тузилган Оролбўйи минтақасида инсон хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўп томонлама Траст фонди доирасидаги амалий ишларни янада кучайтирамиз” [4].

Тадқиқотчилар томонидан ўтказилган тадқиқотлар ҳозирги кунда Орол денгизининг қуриган туби ҳудудларида ўсимликлар дунёсининг тупроқларнинг шўрланган қисмида ўсишга мослашган галофит ўсимликлар тарқалгани аниқланган. [5]

Орол денгизи муаммосини бартарараф қилиш мақсадида республика миқёсида ҳам кўплаб ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ВИ боб 80-мақсадда ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган.

Орол денгизининг қуриган тубида қўшимча 500 минг гектар яшил майдонларни барпо етиб, 2026-йил якунига қадар уларнинг умумий ҳажмини 2,5 миллион гектарга ёки ҳудуднинг 78 фоизига йетказиш.

Оролбўйида халқаро “Яшил иқлим” ва Глобал экологик жамғармаларнинг биохилма-хиллик, иқлим ўзгариши ва тупроқ йемирилишининг олдини



олишга қаратилган дастурлари асосида 300 миллион АҚШ доллари қийматидаги лойиҳаларни амалга ошириш. Шаҳар ва туман марказларида

ҳар 50 – 100 минг аҳоли учун “жамоат парклари”ни ташкил етиш.

Оролбўйи минтақасида яшовчи аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш [1].

References:

1. 2022 — 2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон
2. Закиров М.М., Рахимбаев О.Д., Жетписбаева А.Қ. Орол ва оролбўйи худудининг геологик ва метеорологик ўрганилганлиги // ССИЕНТИФИС ПРОГРЕСС // Вол. 3 | ИССУЕ 1 | 2022 ИССН: 2181-1601 Ўзбекиста - П. 233-245.
3. Рамазонов Б.Р. Орол денгизи қуришининг тупроқ қопламига таъсири // Academic Research in Educational Sciences // Vol. 1 No. 1, 2020 ISSN 2181-1385 Academic Research, Uzbekistan - P. 252-261.
4. Такабоев Қ.Ў. Сув ресурсларидан фойдаланиш ва унинг самарадорлигини оширишнинг муҳим омиллари // "Сиенсе анд Едусатион" Сиенitifис Жоурнал // Вол. 2 ИССУЕ Май 2021 / П. 87-98.
5. Шеримбетов Санжар Гулмирзоевич. // “Орол денгизининг суви қуриган худудларидаги ўсимликларнинг молекуляр-биологик ва экологик хусусиятлари” // Қўлөзма ҳуқуқида УДК: 581.9+582.4 577.112.3:118 // Тошкент-2017.